

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Каттакўрғон шаҳар
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи **Ф. Курбанов**
июл 2022й



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмети: Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига Хужалик моллари - иш куруллари олиш бўйича.

1.2. Танлов охириги киймати – Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига Хужалик моллари - иш куруллари олиш бўйича

№	Кўчатлар номи	Улчов бирлиги	микдори	нархи	Ўуммаси
1	Кетмень катта дастаси билан	дона	60	60000	3600000
2	Лапата штиковая дастаси билан	дона	60	48000	2 880 000,00
3	Лапата сапковая дастаси билан	дона	20	48000	960 000,00
4	Грабил дастаси билан	дона	20	40000	800 000,00
5	Шоха дастаси билан	дона	20	40000	800 000,00
6	Болта дастаси билан	дона	10	120000	1 200 000,00
7	Арра	дона	10	60000	600 000,00
	Жами				10840000

жами **10 840 000 (Ун миллион саккиз юз қирк минг) сўм.**

Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб қилинмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича қолиб қолган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар Умар хайём кўчаси 9 уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ушбу товарларни етказиб бериш ҳамда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- 1) Бажарувчи корхона таклиф билан бирга Ушбу турдаги махсулотнинг параметрлари, сифати, расмлари ва етказиб бериш муддати тўғрисидаги маълумот, корхона ретинги, корхона гувоҳномаси, раҳбарнинг буйруғидан кўчирма, раҳбарнинг паспорт нусхасини такдим қилиши лозим
 - 2) Ҳисоб рақамида объект кийматининг 20% миқдорида маблағ мавжудлиги тўғрисида банкдан тасдиқланган маълумот ҳамда товарларга 2 йиллик кафолат электрон таклиф жунатиш санасида. Агар шу муддат ичида нуқсон чиқса ўрнига тенг миқдорда етказиб берувчи ҳисобидан сифатлисига алмаштирилади.
 - 3) Банк қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот ва инсофсиз иштирокчилар рўйхатида бор-йўқлиги тўғрисида маълумот ҳамда ндс тўловчи тўғрисида гувоҳнома бўлса такдим қилиши;
 - 4) Ишчи ходимлар тўғрисида маълумот камида 4 та ходим(Ф.И.Ш паспорт, my.mehnat.uzдан мехнат дафтарча электрон ва буйруқ нусхалари) ва транспорт воситалари, асосий воситалар ва асбоблар(ТМЗ) рўйхати тасдиқланган (балансда ёки ижара шартномаси, агар ижара шартнома бўлса 50% балланади);
 - 5) Молиявий кўрсаткичлари (охирги 1 йиллик баланс, ф-2 ва молиявий натижа ҳамда охириги ойлик ҳисоботлари) ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.
 - 6) охириги 1 йил ичида ва х/р айланмасида шу ва шунга ухшаш товарлар олди сотти билан ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги (баланс, дт/кт, ф-2. сч /фактура)
- Агар танлов предмети бўлган товар етказиб бериш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рўхсат этилади.

3.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди; Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида такдим қилилиши лозим.
- 4.3.Қўйилишидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
 - Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
 - Техник ҳужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- 4.4.Танлов иштирокчиси:
 - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - Такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Комиссия раиси:

1. Ишанқулов Алишер Султонович

Аъзолари

2. Носиров Ақром Кўчимович— бўлим бошлиғи-

3. Шомаматов Зухриддин Бахриддинович—Бош ҳисобчи

4. Мардикулов Эркин Суюнович—Омбор мудир

5. Салоҳиддинов Жамолиддин Хабиб ўғли—техник назоратчи

6. Увайтов Анвар Ботирович—Техника ҳафсизлик муҳандиси

